# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2013 йил Обод турмуш йили

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2013-YIL 3-DEKABR, SESHANBA, 145 (8226)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.





Савдо-саноат палатаси томонидан "SMS-To'lov" нақд пулсиз тўловларнинг электрон тизими жорий этилган. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда хўжалик фаолиятини юритувчи субъектлар ўртасида тўловлар ва ўзаро ҳисоб-китоб тизимини тезлаштириш имконини яратади. 2



Миллий кинология маркази томонидан БМТнинг Гиёҳванд моддаларни назорат қилиш ва жиноятларнинг олдини олиш бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси билан ҳамкорликда амалга оширилаётган дастури доирасида бошқа давлатлар божхона хизматлари учун ҳам хизмат итлари тайёрлаш йўлга қўйилган. 2



Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик – жамиятимизнинг, бугунги ва келажак тараққиётимиз, фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчига айланмоқда. Бу жараёнда ёшларнинг, баркамол авлоднинг иштироки, ташаббуси муҳим аҳамиятга эга. Зеро, бугунги ёшлар эртанги тараққиётимиз эгаларидир. 4

САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА

Фарғона Вилояти

## ЁШЛАР – ҲАЁТИМИЗНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧИ

**Мамлакатимизда таълим-тарбия, кадрлар тайёрлаш тизимини ислоҳ қилишга хизмат қилаётган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижроси натижасида эртанги кунимиз эгалари бўлган ёшлар ҳар томонлама етук, билими ва дунёқараши кенг, жисмонан бақувват бўлиб вояга етмоқда.**





*Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади.*

**(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 41-моддасидан)**




Кейинги йилларда вилоятимизда ҳам ёшларнинг турли касб-ҳунарларни эгаллаши ва юксак билим олиши учун касб-ҳунар коллежлари, академик лицейларнинг янги, жаҳон андозаларига мос замонавий бинолари қуриб, фойдаланишга топширилди. Уларда барча зарур шарт-шароитлар яратилди.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини ривожланган давлатлар андозалари асосида олиб бориш иш фаолиятимизнинг муҳим мезонидир. Ҳозирги кунда вилоятимизда 157 та таълим муассасаси, жумладан, 145 та касб-ҳунар коллежи ва 12 та академик лицей фаолият кўрсатмоқда. Академик лицейларда 9183 нафар, касб-ҳунар коллежларида 182806 нафар, жами 191989 нафар ўқувчи (шундан 93680 нафари қизлар) турли фанлар ва касб-ҳунар бўйича таҳсил олмоқда.

Бошқармамиз тасарруфидаги таълим муассасаларида 12 минг 502 нафар педагог ва ходимлар ёшларга билим ва касб-ҳунар асосларини пухта сингдириш йўлида астойдил ишламоқдалар. Фаолият кўрсатаётган фан ўқитувчиларининг 11 минг 490 нафарини олий маълумотлилар ташкил этади. Олий маълумотли ўқитувчиларнинг 3 нафари фан доктори, 34 нафари фан номзоди, 189 нафари бош, 458 нафари етакчи, 1 минг 161 нафари катта ва 9 минг 645 нафари мутахассис ўқитувчилардир. Тизимда фаолият кўрсатаётган 655 нафар ишлаб чиқариш таълими усталарининг 282 нафари олий маълумотлиларни ташкил этади.

**(Давоми 2-саҳифада)**




Қашқадарё Вилояти

## БОЗОР ОБОД – ЭЛ ФАРОВОН

**"Қашқадарёбозорсавдо" уюшмаси тасарруфидаги деҳқон бозорларида қиш мавсуми учун етарли миқдорда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрланди.**

Мавжуд омборхоналар ўз вақтида тартибга келтирилди. Маҳсулотни сифатли сақлаш учун махсус жойлар ҳозирланди. Натижада бугунги кунгача вилоят бозорларидаги омборхоналар 13 минг тоннага яқин қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан тўлдирилди. Пиёз, картошка, мева, гуруч сингари кундалик эҳтиёж учун зарур озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлашга алоҳида эътибор берилди. Узум, қовун, тарвуз, ошқовоқ каби полиз маҳсулотларининг сероблиги бозорларимиз тўкинчилигидан дарак бериб турибди. Бу борада Қарши шаҳридаги "Еркўрғон", "Кунчиқар" МЧЖлар, Китоб, Ғузор деҳқон бозорларида олиб борилган ишлар самараси яққол кўзга ташланяпти.

— Биз "Косон деҳқон бозори" МЧЖдаги ишларни ҳар томонлама ибрат қилиб кўрсатсак бўлади, — дейди "Қашқадарёбозорсавдо" уюшмаси директори Исмат Эгамбердиев. — Қисқа вақт ичида бу ерда 69 тонна ўрнига 144 тонна пиёз, 52 тонна ўрнига 110 тонна сабзи, 24 тонна ўрнига 64 тонна гуруч тайёрланди. Аҳил жамоа маҳсулотни сифатли сақлашни тўлақонли таъминлаш мақсадида хориждан замонавий совиткич харид қилишни режалаштирмоқда. Бу бозор расталарини йил бўйи сархил мевалар билан сифатли бўлишига имкон беради.

Дарҳақиқат, вилоят бозорларидаги кенг кўламли бу ишлар қишда ҳам ёздагидек маҳсулот сероблигини таъминлашга хизмат қилади.

**Ҳусан ТЕМИРОВ**

Сурхондарё Вилояти

## КОРХОНАНИНГ ОЙДИН ИСТИҚБОЛИ

**Сурхон воҳасида кейинги тўрт йил мобайнида "Сурхон-Термиз-Силк", "Шиндонг-Спининг-Термиз", "Термиз-Корея-пласт", "Нова-Фарм", "Грант-Шифер" каби қўшма корхоналар ва саноат объектларининг ишга туширилиши иқтисодиётни мустаҳкамлаш, аҳоли фаровонлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда.**



Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

Жарқўрғон туманида "Charog'on tekstil" тикувчилик-трикотаж фабрикасининг ишга туширилиши эса улар сонини яна биттага кўпайтирди. "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси томонидан амалга оширилган лойиҳа 270 кишининг иш ўрни билан таъминланишига хизмат қилди. Энг муҳими, уларнинг аксарияти касб-ҳунар коллежини тамомлаган ёшлардир.

— Ушбу фабриканинг ишга туширилиши биз учун катта имкониятлар эшигини очди, — дейди қувонч билан Гуллола Ҳасанова. — Жорий йилда туманимиздаги саноат касб-ҳунар коллежини тамомлагандим. Бугун мутахассислигим бўйича фабрикада иш фаолиятимни бошладим.

— Фабрикамизда йилига 97,2 минг махсус кийим-кечак ва коржомалар, 226,8 минг дона чойшаб, 130 мингта ички кийимлар ва 2 миллионга яқин турли трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўзда тутилган, — дейди корхона мутахассиси Моҳигул Равшанова. — Корхонанинг иккинчи босқичи фойдаланишга топширилгач, яна кўплаб иш ўрни ҳамда маҳсулотларни хорижга экспорт қилиш имконияти яратилади.

**Чори ЖУМАҚУЛОВ**

Навоий Вилояти

*Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли болалар ижодиёти марказида болажонларга техник моделлаштириш, зардўзлик, бадиий кулолчилик, пластик материаллардан турли буюмлар ясаш, халқ амалий санъати, сингари йўналишлар бўйича сабоқ берилмоқда.*

## ИСТЕЪДОДЛАР МАСКАНИ

Бу ерда болалар яратган ҳайкалчалар, рангдор гулдасталар, бошқариладиган денгиз кемалари, самолётлар ва космик ракеталарнинг макетлари ҳар бир кишида ҳавас уйғотади.

— Лойдан ҳайкалчалар ясашни хуш кўраман, – дейди тўгарак аъзоси Мадад Намозов. — Ота-онам мени бу ерга олиб келишганида, қувончим ичимга сиғмади. Ҳозир устозим Фахриддин Саъдуллаевдан кулолчилик сирларини ўрганяпман.

– Бугунги кунда масканимизда 300 нафардан ортиқ ўғил-қизлар турли тўгаракларга жалб этилган, – дейди марказ раҳбари Отабек Расулов. – Улар яратган ижод намуналари эса бирбиридан қолишмайди. Келгусида янги йўналишда тўгараклар очишни режалаштирганмиз.

**Абдурасул САТТОРОВ**

Жиззах Вилояти

## ҚОНУНЛАР ИЖРОСИ СЕНАТОРЛАР НИГОҲИДА

**Жиззах вилоятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология ҳамда Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмиталарининг сайёр мажлиси бўлиб ўтди. Унда янги таҳрирдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ва "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ижроси таҳлил этилди.**

Мажлисда сенаторлар, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, қурилиш, транспорт ва муҳандислик-коммуникация корхоналари ҳамда ташкилотлари, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари, фуқаролик жамияти институтлари, сиёсий партиялар, республика "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар.

Тадбирда ҳар иккала қонунни амалга ошириш бўйича вилоятда муайян ишлар қилинганлиги таъкидланди. Хусусан, уларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтириш борасида самарали ишлар амалга оширилган. Бу айни кунларда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари учун ўтказилаётган сайловларнинг ошкоралик, муқобиллик ва демократик асосларда ташкил этилаётганида ҳам ўз ифодасини топаётир.

Айни пайтда вилоятда 306 та фуқаролар йиғини, шу жумладан, 10 та шаҳарча, 104 та қишлоқ ва 192 та маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолият кўрсатмоқда. Уларни замонавий компьютер, электрон алоқа воситалари, мебель ва бошқа жиҳозлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Чунончи, жорий йилда республика "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг вилоят бўлими маблағлари ҳисобидан 54 та фуқаролар йиғинига мебеллар ва 25 та фуқаролар йиғинига компьютер жамланмалари харид қилинган.

Фуқаролар йиғинларининг аҳоли билан узвий алоқада ишлаб, ошкоралик ва демократия тамойилларига амал қилишлари барча жабҳаларда юксак муваффақиятларга эришиш омили бўлмоқда. Ғаллаорол, Фориш, Жиззах, Зарбдор, Пахтакор, ва Мирзачўл туманларидаги фуқаролар йиғинлари фаолиятини ўрганиш натижалари сенаторларнинг шундай хулосага келишларига асос бўлди. Мазкур туманларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳудудларнинг комплекс ривожланишига, юқори даражада ободонлаштирилиб, кўкаламзорлаштирилишига, аҳоли турмушининг тобора фаровонлашувига салмоқли ҳисса қўшмоқда. Бунда улар фуқаролар йиғинларининг мажлисларида ҳудудларидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг йўллар, маиший хизмат объектлари ва бошқа иншоотларни қуриш ҳамда таъмирлашга доир ҳисоботларини эшитиш ва баҳолаш амалиётидан фойдаланаётгани ижобий самара бераётир. Жорий йилнинг ўтган 10 ойи мобайнида Фориш туманида 29 та, Пахтакор туманида 60 та, Мирзачўл туманида 42 та маиший хизмат кўрсатиш объекти ишга туширилгани шундай иш тутишнинг амалий натижасидир. Бундан ташқари, Мирзачўл туманининг "Боғбон" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 12x24 метр ўлчамли муҳташам спорт зали қурилиб, ишга туширилди.

Сайёр мажлисда баъзи фуқаролар йиғинларида аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришда муҳим ўрин тутувчи транспорт ва муҳандислик, ижтимоий инфратузилма объектларини бунёд этиш ҳамда ривожлантиришда ташаббускорлик ва ташкилотчилик фазилатлари сезилмаётгани қайд этилди. Уларга амалий ишлар самарадорлигини оширишга доир қатор тавсиялар билдирдилар.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси ҳамда Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда "Ветеринария тўғрисида"ги ва "Наслчилик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ижросини ўрганиш натижалари муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, вилоятда мазкур қонунлар ижроси яхши ташкил этилган. "Ветеринария тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижроси вилоят ветеринария давлат бошқармаси томонидан амалга оширилмоқда. Унга асосан вилоятда режали асосда эпизоотик касалликларга қарши тадбирлар мунтазам амалга оширилиб келиняпти. Хавфли касалликлар ҳамда уларнинг чет давлатлардан кириб келишининг олдини олиш мақсадида махсус профилактик чора-тадбирлар кўрилаётир. Бундай тадбирлар туфайли вилоятда ўта хавфли ва юқумли куйдирги, оқсил, қутуриш каби касалликлар қайд этилмаган.

Муҳокама якунлари бўйича тегишли тавсиялар қабул қилинди.

Қўшма мажлисда Жиззах вилояти ҳокими С.Исмоилов иштирок этди.

**Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Самарқанд Вилояти

## ҚЎШРАБОТДА ЯНГИ МЕҲМОНХОНА

**Қўшработлик тадбиркор Саидрасул Жаминов замонавий меҳмонхона барпо этиб, хизмат кўрсатишни бошлади.**

Туман марказидаги янги меҳмонхона ўн саккиз ўринли бўлиб, барча замонавий шароитларга эга. Бу ерда ҳозир 8 та янги иш ўрни яратилди.

**Акбар ҚАРШИЕВ**

*Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва Давлат статистика қўмитаси ҳамкорлигида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда интерфаол хизматларни кенг жорий этишга бағишланган анжуман ташкил этилди.*

# ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИДА ИНТЕРФАОЛ ХИЗМАТЛАР

Унда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, уларга қулай ишбилармонлик муҳити яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар ўзининг юксак самараларини бераётгани қайд этилди.

Яратиб берилаётган шароит, кўрсатилаётган ғамхўрлик ва имкониятлардан кенгроқ фойдаланиш борасида қатор ишлар амалга оширилаётир. Хусусан, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси БМТ Тараққиёт Дастури "Ўзбекистон Бизнес Форуми" лойиҳаси билан ҳамкорликда www.businessinfo.uz маълумот порталини яратди. Мазкур порталнинг бошқа сайтлардан фарқли томони шундаки, унда рухсатномалар ва лицензия бериш тартиби босқичма-босқич кўрсатилган. Яъни, биринчи босқичда лицензия олиш учун мурожаат қилиниши лозим бўлган орган номи, керакли бўлган ҳужжатлар рўйхати, иккинчи босқичда лицензияловчи орган томонидан лицензияни кўриб чиқиш муддатлари ва тартиблари, учинчи босқичда лицензияни бериш ёки беришни рад этиш тартиблари батафсил ёритилган бўлиб, булар ёрдамида тадбиркор ўзига керакли бўлган барча маълумотларни турли идораларга мурожаат қилмасдан олиши мумкин.

Маълумки, солиқ турлари ва уларни тўлаш тартиби билан нафақат янги иш бошлаган тадбиркорлар, балки турли соҳаларда фаолият олиб бораётган шахслар ҳам тўлиқ маълумотга эга эмас.

Шу боис, порталда солиқ ва солиқ имтиёзлари тўғрисида алоҳида бўлимлар киритилган. Қайд этилган солиқларни тўлаш бўйича имтиёзларга эга солиқ тўловчилар категорияси ва имтиёзнинг амал қилиш муддатлари порталнинг "Солиқ имтиёзлари" бўлимида кўрсатилган.

Шунингдек, Савдо-саноат палатаси томонидан "SMS-To'lov" нақд пулсиз тўловларнинг электрон тизими жорий этилган. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда хўжалик фаолиятини юритувчи субъектлар ўртасида тўловлар ва ўзаро ҳисоб-китоб тизимини тезлаштириш имконини яратади. Давлат статистика қўмитаси томонидан Автоматлаштирилган ахборот тизими (ААТ) яратилди, у юридик шахсларнинг электрон шаклда давлат статистика ҳисоботларини тайёрлаш, тўлдириш ва давлат статистика органларига тақдим этиш бўйича жорий ишларни бажаришга қаратилган.

Сирасини айтганда, юртимизда ахборот-коммуникация технологияларининг тараққий этиши, яъни аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига осон ва қулай интерфаол хизматларининг кўрсатилиши иқтисодий самарадорликни янада оширади.

**Озод ОЧИЛОВ**

# ФАРОВОНЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси томонидан Асосий Қонунимиз қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишлаб семинар ташкил этилди.**

Унда таъкидланганидек, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мустақиллик йилларида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқариш қувватларини янгилаш ва модернизация қилиш ҳамда экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини тобора кенгайтиришда яққол намоён бўлаётир. Бу борада Асосий Қонунимиз муҳим дастурламал бўлиб келаётир.

Конституциямизнинг 53-моддасида "Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шаклдаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди", деб қайд этилган. Мана шундай кафолатлар асосида юртимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир. Жумладан, ўтган даврда мамлакатимизда ғалла мустақиллигига эришилди. Жорий йилда ғаллакорларимиз томонидан 7,6 миллион тоннага яқин улкан ғалла хирмони бунёд этилди. Давлатимиз раҳбари томонидан ғаллачиликни ривожлантириш борасида амалга оширилган оқилона ва пухта сиёсат натижасида ғалла ҳосилдорлиги йил сайин ошиб, мамлакатимиз хорижга дон экспорт қилувчи давлатлар қаторидан ўрин эгалламоқда.

Тадбир қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекциясининг фаолияти хусусида ҳам сўз юритиб, 2004-2013 йиллар давомида давлат эҳтиёжлари учун қабул қилинган товар ва уруғ донларнинг сифат кўрсаткичлари яхшиланганини, мавжуд ҳамда янги ташкил этилган лабораторияларнинг аккредитация доираси кенгайтирилганини, улар янги жиҳоз ва ускуналар билан таъминланганини натижасида юридик ва жисмоний шахсларга хизматлар кўрсатиш ҳажми йил сайин кенгаяётганига эътибор қаратдилар. Фермерлар ва хусусий тадбиркорларга қулайликлар яратиш мақсадида марказий лаборатория ва унинг ҳудуддаги филиаллари ҳамда минтақавий лабораториялар томонидан дон, ун, нон ва макарон маҳсулотларининг сифат кўрсаткичлари тезкор ва ҳаққоний аниқланиб, тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада тадбиркорларга яратилган яна бир қулайлик – дон маҳсулотлари учун талаб этиладиган сертификатларни бир жойнинг ўзида "ягона ойна" тизимида расмийлаштириб олиш имконияти яратилган.

Семинар давомида билдирилган фикр-мулоҳазалар умумлаштирилиб ва бу каби тадбирларни мунтазам равишда ўтказиб бориш муҳим аҳамиятга молик экани қайд этилди.

**Маҳаммаджон АТАБАЕВ,**
*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси Ахборот хизмати раҳбари.*

***Пойтахтимиздаги Миллий кинология марказида Марказий Осиё давлатлари кинология марказлари раҳбарларининг бешинчи минтақавий анжумани, шунингдек, БМТ Тараққиёт дастури ва Европа Иттифоқи комиссиясининг Марказий Осиё давлатлари чегараларини бошқариш ва гиёҳванд моддалар ноқонуний айланишининг олдини олишга кўмаклашувчи БОМКА Ривожлантириш дастури доирасида ўтказилган қурол-аслаҳа, портловчи ва гиёҳванд моддаларни қидириш бўйича навбатдаги минтақавий ўқув курсининг якунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.***

# МИНТАҚАВИЙ ҲАМКОРЛИК КУЧАЙМОҚДА

Унда ЕХҲТ, ШҲТ Ижроия қўмитаси, Туркия ҳамкорлик ва тараққиёт ҳалқаро агентлиги (TIKA), БМТнинг Гиёҳванд моддалар устидан назорат қилиш ва жиноятларнинг олдини олиш бошқармаси, Техник ҳамкорлик бўйича Германия жамияти, АҚШ, Буюк Британия, Болгария, Чехия, Исроил, Италия каби давлатларнинг Ўзбекистондаги элчихоналари вакиллари, шунингдек, Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Тожикистон республикаларининг чегара ва божхона тузилмаларида фаолият юритаётган кинология хизматлари раҳбарлари, ходимлари иштирок этишди.

Президентимиз ташаббуси билан Вазирлар Маҳкамасининг "Миллий кинология хизматини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори асосида 1996 йилда ташкил этилган Миллий кинология марказига самарали фаолияти ва қўлга киритган ютуқлари натижаси ўлароқ, 2008 йилда Жаҳон божхона ташкилоти томонидан минтақавий марказ мақоми берилган эди.

Миллий кинология маркази томонидан БМТнинг Гиёҳванд моддаларни назорат қилиш ва жиноятларнинг олдини олиш бошқармасининг Марказий Осиёдаги минтақавий ваколатхонаси билан ҳамкорликда амалга оширилаётган дастури доирасида бошқа давлатлар божхона хизматлари учун ҳам хизмат итлари тайёрлаш йўлга қўйилган. Мазкур Дастур доирасида ташкил этилган турли хил ўқув ва таништирув семинарларида 2004 йилдан буён Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Олий ҳарбий божхона институти, Миллий кинология маркази ходимлари фаол иштирок этиб келишмоқда.

Марказда сўнгги йилларда Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Эрон, Тожикистон каби мамлакатлар божхона хизматлари учун гиёҳванд, қурол-аслаҳа ва портловчи моддаларни қидириб топишга ихтисослашган ҳамда антитеррор йўналиши бўйича хизмат итлари тайёрланди.

Марказий Осиё давлатлари чегараларини бошқариш ва гиёҳванд моддалар ноқонуний айланишининг олдини олишга кўмаклашувчи БОМКА Ривожлантириш дастури доирасида ўтган йиллар давомида Марказий Осиё давлатлари ва Афғонистоннинг 145 нафар кинологи "Гиёҳванд моддаларни қидириш" ҳамда "Қурол-аслаҳа ва портловчи моддаларни қидириш" йўналишларида минтақавий ўқув курсларида таҳсил олди. Жорий йилдаги навбатдаги минтақавий ўқув курсида мамлакатимиз ва қўшни давлатлардан йигирма нафар кинолог малака оширди. Тадбирда уларга дипломлар топширилди.

Шунингдек, анжуман давомида Марказий Осиё давлатлари божхона ва чегара хизматларига тегишли кинология маркази раҳбарлари Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2014 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури тасдиқланди ва минтақада кинология хизматларини янада такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Азиз НУРУЛЛАЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Самарқанд Вилояти

*Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 21 йиллиги олдидан «Конституция – бахтимиз пойдевори» шиори остида қатор тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Шаҳар «Баркамол авлод» болалар марказида ташкил этилган ана шундай тадбирлардан бирида марказнинг тўгарак аъзолари, умумтаълим мактаби ўқувчилари ва ота-оналар иштирок этди.*

# КОНСТИТУЦИЯ – БАХТИМИЗ ПОЙДЕВОРИ

Марказ залида ўқувчилар томонидан мавзуга оид расмлар кўргазмаси ташкил этилди. Тест синовлари ўтказилди. Шунингдек, ўқувчилар иншо ва баёнлар танловида ҳам билимларини намоён этишди.

– Бу каби тадбирларнинг мунтазам ўтказилиши ўқувчиларда конституциямиз, қонунлар ҳақида кенг тушунчага эга бўлишларига ёрдам беради, – дейди марказ услубчиси Гўзал Хайруллаева. – Қолаверса, бундай тадбирлар уларнинг фаоллигини, тегишли мавзуларга қизиқишини оширади. Тадбирларга ота-оналарни ҳам таклиф этяпмиз. Бу эса уларга фарзандларининг билим ва маҳорати қай даражада эканини билан танишиш имконини беради.

Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртида ташкил этилган давра суҳбатида ҳам иштирокчилар Конституциямизда қатъий белгиланган инсон ҳуқуқлари, диний эркинлик каби тамойилларга алоҳида тўхталиб ўтишди. Таъкидландики, мустақиллик туфайли юртимизда том маънодаги виждон эркинлиги таъминланди. Аммо айрим диний мутаассиб оқимлар бундан ўз мақсадлари йўлида фойдаланишга интилмоқда. Мулоқот давомида айни шундай фаолиятлар моҳияти, унинг салбий оқибатларининг олдини олиш хусусида гап борди.

Жамиятда осойишталик таъминлансагина инсонда бошқа эҳтиёжлар туғилади, турмуш фаровонлигини ошириш учун имкон, шароит яратилади. Шу боис, бугун юртимизда тинчликка раҳна соладиган ҳар қандай хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, ижтимоий барқарорликни таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Акбар ҚАРШИЕВ**

# ЁШЛАР – ҲАЁТИМИЗНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУЧИ



Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.

**(Боши 1-саҳифада)**

Президентимизнинг 2012 йил 28 майдаги "Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида тизимда фаолият олиб бораётган ўқитувчи-педагоглар малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлов курсларига жалб қилиш орқали қисқа фурсатда малакали мутахассисларни тайёрлаш яхши йўлга қўйилди. 2013 йилнинг 6 ойи давомида бошқарма тасарруфидаги педагог кадрлардан 1 минг 657 нафари малака ошириш курсларида, 500 нафари эса нопедагоглар қайта тайёрлов курсларида таҳсил олишига ва янги педагогик технологиялар асосида таълим сифатини янада яхшилашга эришилди.

Таълим муассасаларини битирган ўқувчи-ёшларни танлаган касб-ҳунарлари бўйича бандлигини таъминлаш соҳасида муайян ишларни амалга оширмоқдамиз. 2012-2013 ўқув йилида бошқармамиз тасарруфидаги таълим муассасаларини жами 59 минг 279 ўқувчи-ёшлар битирган бўлиб, ҳозирги кунда уларнинг 39 минг 157 нафари иш билан таъминланди. Битирувчи ўқувчиларни тадбиркорликка йўналтириш ва имтиёзли кредитлар олишларига кўмаклашиш ишлари тўғри йўлга қўйилганлиги туфайли яхши самара бермоқда. Буни биргина Фарғона тумани мисолида кўрсак, бу ерда хотин-қизлар қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, "Микрокредитбанк" ОАТБ, "Тадбиркор аёл" уюшмаси ва бошқармамиз ҳамкорлигида 62 нафар битирувчи қизнинг бандлигини таъминлаш мақсадида уларга микрокредитлар бериш учун семинар – тренинг ташкил этилди. Тадбиркорлик қобилиятига эга бўлиб кредит олиш истагини билдирган 62 нафар коллеж битирувчисидан 25 нафари танлаб олиниб, уларга дастлабки тадбиркорлик кўникмаларини ривожлантириш, "Бизнес-режа" тузиш, бошланғич сармояни шакллантириш, микрокредитлар олиш ҳамда кредит маблағларидан самарали фойдаланиш бўйича амалий машғулотлар ўтказилди. Вилоятдаги умумий ўрта таълим мактабларининг 9-синф битирувчиларини таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Вилоят бўйича 9-синфни битирган ўқувчилар 61 минг 811 нафарни ташкил этган бўлиб, улардан 61 минг 601 нафари ўзлари истак билдирган таълим йўналишлари бўйича академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига ўқишга қабул қилинди.

Вилоятдаги ўрта таълим ва касб-ҳунар муассасаларида 2006 йилгача 87 та таълим йўналиши бўйича таҳсил берилган бўлса, ҳозирги кунда 120 тадан ортиқ таълим йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Йилдан-йилга кичик мутахассислар тайёрлаш тури ва сифатини ошириш юзасидан олиб борган саъй-ҳаракатларимиз ўз самарасини бериб бораётганини ҳам таъкидлаш ўринлидир.

Тизимда олиб борилаётган барча ишларни маънавий-маърифий ишларсиз тасаввур қилиш қийин. Бу борада Юртбошимизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асари жуда муҳим роль ўйнайди. Бу асар ўқувчи-ёшларнинг маънавий дунёқарашини шакллантириш, улар онгига халқимизнинг бой маънавий меросини сингдиришда, қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизга бўлган ҳурмат ва эътиборни тарбиялашда бебаҳо ўқув қўлланмаси сифатида хизмат қилмоқда. Бошқармамиз тасарруфидаги таълим муассасаларида "Юксак маънавият — енгилмас куч" асари бир неча йил давомида махсус курс сифатида ўқитилиб келинаётгани ўқувчиларни маънавий-маърифий билимларини ошиб боришларида мустаҳкам асос бўлмоқда.

Тизимда узоқ йил самарали меҳнат қилаётган ўқитувчилар ва коллеж раҳбарларининг ўттиз бир нафари давлатимиз орден-медалларига сазовор бўлгани бутун жамоамизнинг ютуғидир. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 22 йиллиги муносабати билан Қувасой касб-ҳунар коллежи ишлаб чиқариш таълими устаси Обидхон Бухоровнинг "Дўстлик" ордени билан, Қиргули саноат ва қурилиш касб-ҳунар коллежи бош устаси Расулжон Тўйчиевнинг "Шуҳрат" медали билан мукофотланиши уларни бундан-да яхшироқ ишлашга руҳлантириб юборди.

Биз мустақил Ўзбекистонга муносиб баркамол, ҳар томонлама етук ёш авлодни тарбиялашдек машаққатли ҳамда шарафли касб эгалари бўлганимиздан фахрланамиз. Ёшларимизда юксак маънавиятни, қадриятларимизга садоқат туйғуларини тарбиялаш, улар ўртасида ёт мафкураларга қарши курашишни кучайтириш йўлида жонбозлик кўрсатишда давом эттираверамиз.

**Илҳомжон НОСИРОВ,**
**Фарғона вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи.**

# ИЛЛАТЛАР ИЛДИЗИ АХЛОҚСИЗЛИКДА

***Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида "Ёшлар соғлом турмуш тарзи маданиятини шакллантириш – обод турмуш пойдевори", "Турмушимиз ободлиги – жамият мустаҳкамлиги – мамлакатимиз барқарорлигидир" номли грант лойиҳалари доирасида 1 декабрь — Халқаро ОИТСга қарши курашиш куни муносабати билан "Соғлом турмуш тарзи – соғлом келажак гарови" мавзусида анжуман ўтказилди.***

Унда ёшлар ўртасида ОИВ ва ОИТС инфекциясининг олдини олиш ва тарқалишига қарши курашиш, уларнинг бу борадаги билимларини ошириш, ёшларни соғлом турмуш тарзи, соғлом оилани қарор топтиришга жалб этиш, тамаки чекиш, алкоголли ичимликлар истеъмол қилиш, гиёҳвандлик каби иллатлардан ва ахлоқсизликдан ҳимоя қилиш, шу билан бирга, ўсиб келаётган ўғил-қизларни маънавий ва ахлоқий тарбиялаш, уларнинг дунёқараши, ахлоқини юксалтириш, уларга миллий қадриятлар ва ўз-ўзини англаш ҳиссини сингдириш, бунда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, муносиб шароитлар яратишга эътибор қаратиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

**М.РАҲИМЖОНОВ**

## ▽ КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Андижон Вилояти

***Баликчи туманидаги Чинобод шаҳарчасида ҳар куни бир янгилик бор десак, асло муболаға бўлмайди. Бетакрор, замонавийлик ва миллийлик уйғунлашган бинолар, кўча ва хиёбонлардаги орасталик, турли хизматларни таклиф этаётган тадбиркорлар ҳамда ҳунармандларнинг савдо расталари, энг муҳими, одамлардаги очиқ кўнгиллик беихтиёр ҳавасингизни келтиради.***

# Муносиб номзодлар орасидан муносиб раис

Бу ердаги ўзгаришларда шаҳарча Обод маҳалласи аҳлининг ҳам ҳиссаси салмоқли. Дилбархон Раҳмонова, Гулнозахон Ғаффорова, Баҳодир Маматқулов, Абдурашид Йўлдошев каби маҳалла тадбиркорлари хизматидан наинки чинободликлар, шаҳарчага ташриф буюраётган меҳмонлар ҳам баҳраманд бўлишмоқда. Меҳнат фахрийси Усмонжон ота Икромовнинг айтишича, мазкур маҳаллада хизмати билан эл оғзига тушган тадбиркорлар сони ўттиздан зиёд экан. Уларнинг ҳар бирида ўнтадан шогирд ёки ишчи бўлганда ҳам, яратиб берилаётган имкониятлардан фойдаланаётганлар сони 300 кишидан ортиб кетади.

Маҳалладаги 350 та хонадон томорқасида йил – ўн икки ой турфа хил сабзавотлар ва резаворлар парвариш қилинади. Шаҳарчадаги ва вилоят марказидаги бозорларда улар етиштирган маҳсулотларнинг харидори беҳисоб.

Маҳалла аҳлининг бир-бирига эътибори, ҳурмати, энг муҳими, ўзаро ҳамжиҳатлиги туфайли турмушларидаги файз-барака, кўнгилларидаги ободликни илғаб олиш қийин кечмайди. Маҳалладаги барча хонадоннинг табиий газ ҳисоблагичлари кўчага ўрнатилган. Натижада барча хонадонларга бир маромда табиий газ етиб бориши кафолатланган. Маҳалла ўрамида учта сув қудуғи ишлаб туради. Ушбу қудуқларга техник хизмат кўрсатиш туман "Сувоқова" корхонаси орқали эмас, балки маҳалладан тайинланган ва иш ҳақи белгиланган тўрт киши томонидан амалга оширилади. Ҳалигача маҳалла аҳолиси сув қудуқларининг бирор-бир сабаб билан таъмирга тортилганини эслай олмайди. Шундан бўлса керакки, Обод маҳалласида коммунал тўловлар бўйича чигал ҳолатлар мавжуд эмас.

— Маҳаллага бўлган ишончнинг ортиб бораётганидан биз қарияларни ҳамиша хурсанд қилади, — дейди Саломатхон буви Пирматова. — Кўз тегмасин, маҳалламизда оила бузилиши, бесаранжомлик каби салбий воқеалар кузатилмайди. Бунинг сабаби шуки, маҳалла раиси ва унинг маслаҳатчилари доимо эл орасида. Ёшларимизнинг туриш-юриши ҳам ҳамиша биз катталарнинг доимий эътиборида. Шунинг учун ҳам сўнгги йилларда маҳалламизда бирон-бир ҳуқуқбузарлик содир этилмади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2013 йил 12 сентябрда қабул қилинган қарорига мувофиқ, фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари сайловларини муқобиллик, ошкоралик ва тенглик асосида ўтказиш белгиланган. Баликчи туманидаги Чинобод шаҳарчасига қарашли Обод маҳалласида ҳам очиқ-ошкоралик руҳида бўлиб ўтган сайлов давомида раис ва унинг маслаҳатчиларини танлаб олиш осон бўлмади. Сайловни ўтказишга кўмаклашувчи комиссия ва фаоллар томонидан маҳалла раиси номзодлигига қўйилган беш нафар фуқаронинг маълумоти олий, эл орасидаги эътибори юқори, энг муҳим жиҳати, одамлар билан ишлаш салоҳиятига эга эканлиги инобатга олинди.

Овоз бериш ваколатига эга бўлган 47 нафар вакилдан 36 нафари амалда раис бўлиб ишлаб келаётган Абдумажид Халилов номзодини ёқлашди. Чунки аҳоли билан ишлашда етти йиллик тажрибага эга бўлган Абдумажид Халилов маҳаллани оилавий тадбиркорлик марказига айлантириш борасида кўп иш қилгани алоҳида қайд этилди.

Дарҳақиқат, А.Халилов тадбиркор бўлиб, ёғочни қайта ишлашни йўлга қўйган ва бу ерда ўн беш киши мунтазам иш ўрнига эга. Фермер хўжаликларида ва аҳоли хонадонларида парранда парвариши кенгайиб бормоқда. Бунинг учун эса парранда парвариши учун зарур бўлган ўсимлик ёғи ва омихта емга эҳтиёж юқори. Абдумажид Халилов ана шу талабдан келиб чиқиб кунгабоқардан юқори маҳсулотлар тайёрлашни ҳам йўлга қўйди. У маҳалладошларини мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти учун яратиб берилаётган имтиёз ва имкониятлардан унумли фойдаланишга чорлаб, бу борадаги қонун ва қонун ости ҳужжатларини кенг тарғиб этишдан чарчамайди.

Энди 45 ёшга кирган Абдумажид Халиловнинг маҳалла билан ишлаш бўйича дастурининг сайловчилар томонидан эътироф этилгани бежиз эмас. Чунки уларнинг кўнглига йўл топиш, қувончу ташвишига шерик бўлиш, ютуқларни кўпайтириш, муаммоларни жойида бартараф этиш маҳалла раиси учун синов эканини Абдумажид Халилов чин дилдан ҳис этади. Буни эса маҳалла аҳли яхши билади.

**Қобилжон АСҚАРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

